



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 26 » iyun

№ 263

Toshkent sh.

Педагог ходимлар учун йиллик узайтирилган мехнат таътили давомийлиги меъёрларини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексига мувофиқ педагог ходимлар учун йиллик узайтирилган мехнат таътили ва қўшимча таътиллар давомийлиги меъёрларини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 501-моддасида педагог ходимлар меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида педагог ходимлар учун **йиллик узайтирилган мехнат таътилининг давомийлиги** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ижтимоий-мехнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси билан келишилган ҳолда белгиланиши назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Педагог ходимлар учун йиллик узайтирилган мехнат таътили давомийлиги меъёрлари иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири Х.У. Умарова ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазири И.Ю. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “26” июнданги 263-сон қарорига
илюва

**Педагог ходимлар учун йиллик узайтирилган
мехнат таътили давомийлиги
МЕЪЁРЛАРИ**

T/р	Лавозимлар номи	Йиллик узайтирилган мехнат таътили (календарь кунда)
-----	-----------------	--

I. Мактабгача таълим ташкилотлари

1. Умумий турдаги давлат мактабгача таълим ташкилотлари

1.	Директор	42
2.	Ўқитувчи, ўқитувчи-логопед, ўқитувчи-дефектолог	56
3.	Тарбиячи, тарбиячи-методист, мусиқа раҳбари, психолог	42
4.	Жисмоний тарбия йўриқчisi, хореограф, сузиш бўйича йўриқчи, тарбиячи ёрдамчisi	27

**2. Жисмоний ёки психик ва ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун
ихтисослаштирилган ҳамда реабилитация марказига эга бўлган давлат кўп
тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари**

1.	Директор	56
2.	Ўқитувчи, ўқитувчи-логопед, ўқитувчи-дефектолог	56
3.	Тарбиячи, тарбиячи-методист, мусиқа раҳбари, эшитиш хонаси йўриқчisi	56
4.	Психолог	42
5.	Жисмоний тарбия йўриқчisi, хореограф, сузиш бўйича йўриқчи, тарбиячи ёрдамчisi	27

II. Умумий ўрта таълим ташкилотлари

**1. Бошлангич, умумий ўрта таълим мактаблар ва мактаб-интернатлар,
Президент, ижод, ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатлар, алоҳида
таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим
муассасалари, Республика ўқув-тарбия муассасалари**

1.	Директор, ижрочи директор, унинг ўринбосарлари (маъмурий-хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари, хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари, хўжалик мудиридан ташқари), директор маслаҳатчisi, мактаб маслаҳатчisi	56
2.	Ўқитувчи, ўқитувчи-логопед, ўқитувчи-дефектолог, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбиячиси ва катта тарбиячиси	56
3.	Катта тарбиячи, тарбиячи, куни узайтирилган гурӯҳ тарбиячиси, тунги тарбиячи, навбатчи тарбиячи, тарбиячи ёрдамчisi, психолог, ижодий-маданий ишлар бўйича тарғиботчи, эшитиш хонаси йўриқчisi, тўгарак раҳбари, мусиқа раҳбари, таълим устаси	42

T/p	Лавозимлар номи	Йиллик узайтирилган меҳнат таътили (календарь кунда)
2. Спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари, Республика олимпия заҳиралари мактаби, Спорт турларига тайёргарлик марказлари, Спорт турлари бўйича маҳорат мактаблари, Спорт турлари бўйича академиялар		
1.	Директор, унинг ўринбосарлари	27
2.	Ўқитувчи, ҳарбий тайёргарлик раҳбари	56
3.	Тренер, тарбиячи, психолог	42
3. “Мехрли мактаб” давлат таълим муассасаси		
1.	Директор, унинг ўринбосарлари, тарбиячи ёрдамчиси	27
2.	Умумий ўрта таълимни ташкил этиш бўйича педагог ходимлар, мактабгача таълим ва тарбияни ташкил этиш бўйича тарбиячи, дефектолог, психолог, мусиқа раҳбари	56
4. Мехрибонлик уйлари		
1.	Директор, унинг ўринбосарлари	56
2.	Ўқитувчи-дефектолог, ўқитувчи-логопед, мусиқа раҳбари, катта тарбиячи, тарбиячи, жисмоний тарбия бўйича йўриқчи, тренер-йўриқчи, меҳнат бўйича йўриқчи, тўгарак раҳбари	56
3.	Психолог	42
4.	Жисмоний тарбия билан даволовчи йўриқчи, сузиш бўйича йўриқчи	27
III. Мактабдан ташқари таълим ташкилотлари		
1. Баркамол авлод болалар мактаблари, Ўкувчи ёшлилар маркази		
1.	Директор, унинг ўринбосарлари	27
2.	Услубчи, тўгарак раҳбарлари	42
3.	Тадбирлар ташкилотчisi	27
2. Спорт турларини ривожлантириши Республика марказлари, Болалар-ўсмиirlар олимпия заҳираси спорт мактаблари, Ихтисослаштирилган спорт мактаблари, Спорт мактаблари		
1.	Директор, унинг ўринбосарлари	27
2.	Тренер (тренер-ўқитувчи)	42
3.	Психолог	42
4.	Йўриқчи-услубчи, хореограф, мусиқий оператор – аккомпаниатор, селекция бўйича тренер	27
3. Болалар мусиқа ва санъат мактаблари		
1.	Директор, унинг ўринбосарлари	27
2.	Ўқитувчи, концертмейстер	56
IV. Ўрта маҳсус таълим ташкилотлари		
1.	Директор, ижрои директор, директор ўринбосарлари, бўлим бошлиги, услубчи	27
2.	Ўқитувчи, чақирилувгача тайёргарлик раҳбари, жисмоний тайёргарлик раҳбари, концертмейстер	56
3.	Психолог, тарбиячи, тўгарак раҳбари	42

T/p	Лавозимлар номи	Йиллик узайтирилган мөннат таътили (календарь кунда)
-----	-----------------	--

V. Профессионал таълим ташкилотлари

1. Касб-хунар мактаблари, коллежлар, техникумлар

1.	Директор, директор ўринбосарлари, бўлим бошлиғи, катта уста, устахона мудири, услубчи	27
2.	Ўқитувчи, ишлаб чиқариш таълими усталари, чақирилувгача тайёргарлик раҳбари, жисмоний тайёргарлик раҳбари, концертмейстер, тренер-ўқитувчи	56
3.	Психолог, тарбиячи, тўгарак раҳбари	42

2. Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари

1.	Директор, унинг ўринбосарлари, инструктор-методист	27
2.	Ўқитувчи, ҳарбий тайёргарлик раҳбари	56
3.	Тренер, тарбиячи, психолог, спорт психологи	42

VI. Олий таълим ташкилотлари

1.	Олий таълим ташкилоти ректори (директор, ижрои директор), проректорлари (ўринбосарлари), илмий кенгашнинг илмий котиби, олий таълим муассасаси кенгаши котиби, ўқув-услубий (бошқарма), илмий ва маънавият бўлими раҳбари, унинг ўринбосарлари, факультет декани ва унинг ўринбосарлари, тьютор, услубчи	27
2.	Профессор-ўқитувчилар	56
3.	Тарбиячи-педагог, психолог	42

VII. Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ташкилотлари

1.	Қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаси раҳбари ва унинг ўринбосарлари, факультет декани ва унинг ўринбосарлари, ўқув, илмий ва маънавият бўлими раҳбари ва унинг ўринбосарлари, услубчи, методик хизмат кўрсатиш бўлиmlари фан методистлари	27
2.	Профессор-ўқитувчилар	56
3.	Психолог	42

Изоҳ. Уибу меъёrlарда келтирилган ходимларга йиллик узайтирилган мөннат таътили учун ҳақ тўлашида якшанба ва байрам кунлари инобатга олинмайди.

